

И. С. Бойжонов

---

*Шаҳар  
муҳити ва уни  
ташкил этиш*

---

Ибодулла Бойжонов

**Шаҳар муҳити ва  
уни ташкил этиш**

«Издательские решения»

**Бойжонов И. С.**

Шаҳар муҳити ва уни ташкил этиш / И. С. Бойжонов —  
«Издательские решения»,

ISBN 978-5-44-830509-2

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир шаҳри гўзал ва обод бўлиши керак. Айни пайтда қишлоқлар ҳам худди шаҳар қиёфасини олиши зарур. Мана шундай эзгу ният билан ёзилган ушбу китоб меъморлар, лойиҳачилар, шаҳар таъмир-ланиши ва янги қурилишлар билан боғлиқ ташкилотлар, қурилиш соҳаси мутахассислари тайёрлайдиган ўқув юртлари талабалари учун муҳим услубий қўлланмадир.

ISBN 978-5-44-830509-2

© Бойжонов И. С.  
© Издательские решения

# **Шаҳар муҳити ва уни ташкил этиш**

## **Ибодулла Самандарович Бойжонов**

© Ибодулла Самандарович Бойжонов, 2016

ISBN 978-5-4483-0509-2

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero





**Ибодулла Самандарович Бойжонов**  
**Урганч қурилиш касб-хунар коллежи директори.**

**Меъморчилик фанлари номзоди. 120 дан ортиқ**  
**илмий оммабоп мақолалари ва тўпламлари чоп**  
**қилинган.**

**Ўзбекистон Республикаси архитекторлар**  
**уюшмаси аъзоси. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.**

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир шаҳри гўзал ва обод бўлиши керак. Айни пайтда қишлоқлар ҳам худди шаҳар қиёфасини олиши зарур. Мана шундай эзгу ният билан ёзилган ушбу китоб меъморлар, лойихачилар, шаҳар таъмир-ланиши ва янги қурилишлар билан боғлиқ ташкилотлар, қурилиш соҳаси мутахассислари тайёрлайдиган ўқув юрглари талабалари учун муҳим услубий қўлланмадир.

Тақризчилар :

Меъморчилик фанлари доктори, профессор М. Қ. АҲМЕДОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор Р. М. АҲМЕДОВ

Урганч қурилиш касб хунар коллежи

педагогик кенгаши томонидан  
нашрга тавсия қилинган

ДАВРТАЛАБ ТАДҚИҚОТ  
(Сўз боши ўрнида)

Меъморчилик аждодларимиз томонидан қайта – қайта сайқал топиб, бойитилиб бизгача етиб келган ва жуда катта кадр -қиммат топиб келаётган ноёб амалий санъат тури ҳисобланади. Ўрта Осиё меъморчилиги қадим замонларданоқ дунё маданий тараққиётида салоҳиятли ўрин тутиб келганлиги қадим Самарқанд, Бухоро, Хива тарихий обидалари мисолида намоён бўлиб турибди. Аини пайтда замонавий шаҳарсозлигимиз ва меъморчилигимиз ҳам дунё ҳам-жамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг боиси шундаки, замонавий меъморчилигимиз ўзининг теран томирларидан қувват олган ҳолда изчил ривожланмоқда ва тобора такомиллашиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистонимизда қад ростлаган кўплаб замонавий иншоотларда ота-боболаримизнинг меъморчилик касбига муносабатимиз, меҳр-у садоқатимиз, ихлос ва эътиқодимиз мужассам бўлиб яққол кўриниб турибди.

Ҳамкасбимиз И. С. Бойжоновнинг меъморчиликда энг долзарб муаммолардан бири – шаҳарларнинг материал фазовий муҳити, уларни қайта ташкил этишга бағишланган тадқиқоти ҳам нодир касбни улуғлаган ота боболаримизга бўлган чексиз эҳтиромнинг, она юртга бўлган меҳр – муҳаббатнинг, қолаверса ўз касбига бўлган беҳад ихлос-эътиқоднинг намунасидир. Тадқиқотни ўқиб мухтарам юртбошимизнинг бир кўрсатмаси беихтиёр ёдимга келди: «Биздан обод ва озод Ватан қолсин!» Бу ҳикматнинг алоҳида ифодаси эса шаҳарсозлик муаммоларини тўлақонли ҳал этишимиз билан чамбарчас боғлиқ. Ҳамкасбимизнинг узоқ йиллик тадқиқоти асосида ёзилган ушбу китобда шаҳар муҳитида уйсозлик, қурилиш жараёнлари атроф – худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш иморат ва иншоотларни таъмирлаш, безаш, турли замонавий лойиҳалар тайёрлаш ва танлаш, шаҳарларнинг меъморий салоҳиятига оид маданияти каби муҳим масалалар юзасидан қимматли фикр мулоҳазалар билдирилади. Аини пайтда муаллиф бу борада аниқ ва фойдали, қулай таклифларни ўртага ташлайди. Китобда шаҳарсозлик муаммоларига оид эркин ва ишонч билан қимматли фикрлар билдирилганлигини, муаллиф – И. С. Бойжоновнинг меъморчилик соҳасида етарли билимга, иқтидорга малакага эга эканлигидан деб биламан. Мен ҳамкасб сифатида И.С.Бойжоновни яхши меъмор ва изланувчан ташкилотчи ва ташаббускор инсон сифатида қадрлайман. У Хоразмнинг иқтидорли меъмори. Биринчи бўлиб воҳада меъмор-чилик фанлари номзоди унвонига мушарраф бўлган эди. Ўз соҳасини чуқур ва яхши билади. Республикада ўз меҳнати, ижодий изланишлари, ташкилотчилиги билан кўзга кўринган таниқли мутахассис, истеъ-додли олим, меъморчилик амалиёти ва унинг махсус таълими соҳасида ташаббускор раҳбар, бунёдкорлик ишларида ўзига хос ўрни бор. Унинг 15 йилдан ортиқ вақт давомида Урганч шаҳар бош архитектори лавозимида ишлаб, воҳа марказини чиройли ва кўркем манзара касб этишида жонқуярлик билан меҳнат қилганидан хабардорман.

И. С. Бойжонов 1988 йилдан буён раҳбарлик қилаётган Урганч қурилиш касб хунар коллежини республикадаги турдош илм даргоҳлари ичида энг намунали, ибратли билим ва хунар маскани сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Коллеж тажрибаси республикадаги марказий нашрларда, радио ва телевидениеда мунтазам оммалаштириб келинмоқда. Бу ерда республика миқёсида нуфузли анжуманлар ўтказилган. Ҳорижлик ҳамкасблар ҳам ушбу коллеж фаолиятига ҳавас билан қараб, илиқ фикрлар билдиришган.

Ибодулла Бойжонов «Урганч шаҳар архитектураси», « Диплом лойиҳалаш услуги», «Меъморлар маскани», «Хумо қўнган шаҳар», «Мустақиллик меъморлари», «Изланишлар самараси» каби қатор рисола ва монографиялар, республика матбуотида чиққан 150 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи. Ҳамкасбимизнинг навбатдаги « Шаҳар муҳити ва

уни ташкил этиш» китоби мустақил мамлакатимиз шаҳарларини янада обод, кўркам, хушманзара кўриш мақсадида эзгу ният билан яратилган илмий рисоладир. Рисола қадр-қиммати бунёдкорларимизнинг яратувчилик ишларида қўл келади.

Ҳамкасбимизни хайрли тадқиқоти билан қутлаб, унинг бу соҳада олиб бораётган бети-ним ишларида янада ижодий баркамоллик тилайман.

М. Қ. АҲМЕДОВ,  
меъморчилик фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш  
институти проректори.

МУАЛЛИФДАН

«-Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад муддаоларимизга тезроқ етамиз. Мен, айнан шундай ҳаётий фалсафа қон – қонимизга, суяк – суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман.»

Муҳтарам Президентимиз Ислоом Абдуғаниевич Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси (2005 йил, 22 апрел) да сўзлаган нутқидаги бу ҳаётбахш, дурдона фикрларни меъмор олим сифатида, қолаверса, мамлакатимиз оддий фуқароси сифатида ўзимга дастуриамал билдим.

Қолаверса икки чақирик бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати бўлган кезларимда ҳам юртбошимизнинг юртимизни янада обод ва кўркам бўлиши борасида айтган гапларини эшитиб, бунинг амалдаги ифодасини кўриб, биз меъморлар, қурилиш мутахассислари бунёдкорлар зиммасидаги вазифалар ниҳоятда улкан ва масъулиятли эканлигини ҳар дақиқада ҳис қилиб тураман. Менинг бу ва бундан олдинги илмий ишларимни юзага келишида ана шу масъулият ҳисси мужассам.

## **Конец ознакомительного фрагмента.**

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.